

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**444 Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш
қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида**

«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, фуқароларнинг соғлигини, аввало ѹигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлигини алкоголь маҳсулотлари истеъмол қилишнинг заарли таъсиридан ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда алкогольли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартағи ПҚ-605-сонли қарори билан тасдиқланган алкогольли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 16 сентябрь,
ПҚ-2597-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги
ПҚ-2597-сонли қарорига
ИЛОВА

**Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш
қоидаларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. 15-бандида:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Алкоголли маҳсулотларни сотиш тақиқланади:»;

куйидаги мазмундаги иккинчи — бешинчи хатбошилар қўшилсин:

«савдо автоматлари орқали;

болалар ўйинчоқлари, конфетлар ёки болалар ассортиментига кирувчи бошқа товарларни имитация қилувчи (шуларга ўхшатиб ишланган бўлса);

савдо қилинаётган жойларда ѹигирма ёшга тўлмаган шахсларга уни сотишга йўл қўйилмаслиги, шунингдек алкогольли маҳсулотларнинг инсон

38 (746)-сон

— 109 —

444-445-моддалар

соғлиғига заарли таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзувлар бўлмаган ҳолларда;

алкоголли маҳсулотларнинг тарасида алкогольли маҳсулотларни истеъмол қилиш инсон соғлиғига заарли таъсир қилиши тўғрисида матн ва (ёки) расм шаклидаги тиббий огоҳлантириш мавжуд бўлмаган ҳолларда».

Иккинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 15¹-банди билан тўлдирилсин:

«15¹. Алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилаётган сотувчи йигирма ёшдан кичикроқ кўринган харидордан унинг ёшини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатишни талаб қилиши, ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда эса алкогольли маҳсулот сотишни рад этиши шарт».